

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРТИҚОВ МИРОНШОҲ СОДИҚОВИЧ

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ УСУЛЛАРИ АСОСИДА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ УЧУН ДЕФЕКТОСКОП ҚУРИЛМАСИ**

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ортиқов Мироншоҳ Содикович

Электромагнит усуллари асосида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими
учун дефектоскоп қурилмаси..... 3

Ортиқов Мироншоҳ Содикович

Устройство дефектоскопии для системобеспечения безопасности
движения поездов на основе электромагнитных методов..... 21

Ortiqov Mironshoh Sodiqovich

Flaw detector device for train safety system based on electromagnetic
methods 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРТИҚОВ МИРОНШОҲ СОДИҚОВИЧ

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ УСУЛЛАРИ АСОСИДА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ УЧУН ДЕФЕКТОСКОП ҚУРИЛМАСИ**

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Техника фаилари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.2.PhD/T1212 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tashit.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Халиков Абдулҳак Абдулҳанович техника фаилари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сиддиқов Илҳомжон Ҳакимович техника фаилари доктори, профессор Ҳаджимухаметова Матлуба Адилевна техника фаилари номзоди
Ётақчи ташкилот:	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги
PhD 15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 06 соат
1000 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1 уй.
Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashit_rektorat@mail.ru.

Диссертацияси билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишни мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167,
Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2021 йил «31» 05 куни тарқатилди.
(2021 йил «31» 05 даги 18 рақамли реестр баённомаси).



А.Э. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Н.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон темир йўл транспорт тармоғида юқори тезликда ҳаракатланувчи ҳаракат таркиблари хавфсизлигини таъминлаш усулларида бири темир йўл рельс плет маҳсулотларини назорат қилиш, уларни доимий текширувдан ўтказиш ва мавжуд дефектларни ўз вақтида аниқлаб берувчи дефектоскопия қурилмаларни ишлаб чиқариш, янги усулларни қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунё миқёсида темир йўл рельси плетларидаги дефектларни сифатли аниқлашни амалга оширадиган қўзғалувчан, мобил дефектоскоп қурилмаларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида темир йўл рельси плетларидаги нуқсонларни аниқлайдиган, иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда темир йўл транспорти ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун рельс плетларини дефектоскопия технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, доимий магнит, ўзгармас ва импульсли электромагнит майдон назариялари асосида рельс плетларидаги дефектлар таҳлилий натижалари, импульсли таъсирлардаги ўткинчи жараёнларининг математик ифодалари, рельс плетлардаги дефектларни аниқлаш учун рақамли дефектоскоп қурилмасининг асосий параметрларини ҳисоби ва лойиҳасидан фойдаланиш, шу билан бирга, электромагнит усуллар асосида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими учун дефектоскоп қурилмасини параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, юқори тезликдаги поездлар ҳаракатланувчи темир йўл линияларини кўпайтириш, шунингдек мавжуд линияларни электрлаштириш, темир йўл рельс плетларида вужудга келувчи дефектларни бартараф этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...транспорт-коммуникация ва социал-инфратузилмавий лойиҳаларни ҳал қилишга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат, ...ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг татбиқ этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, темир йўл рельс плетларидаги дефектларни аниқлаш усуллари ва дефектоскопияловчи қурилмаларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

мавжудларини маҳаллийлаштириш темир йўл транспортида темир йўл рельс плетларини дефектоскопиялаш, янги электромагнит усулларига асосланган вагон-платформада жойлашган, импульсли дефектоскопияловчи мобил қурилмаларни, такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 136-сон «2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стационар ва ҳаракатланувчи импульсли электромагнит дефектоскопиялаш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Темир йўл транспортида ҳаракатланиш хавфсизлигида рельс плетларни ҳолатини узлуксиз текшириб бориш мақсадида дефектоскопияловчи қурилмаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар, уларнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга доир илмий-техник адабиётларнинг таҳлили бу соҳада жиддий назарий ва амалий натижаларга эришилганлигини кўрсатади. Ушбу соҳада рельс плетларни дефектоскопиялаш муаммоларининг ёритишга доир кўплаб илмий техник адабиётлар нашр этилган. МДҲ ва хорижий давлатлар темир йўл участкаларида рельс плетларни дефектоскопияловчи қурилмалар мавжуд ва ишлаб чиқилмоқда.

Темир йўллар учун рельс плетларни дефектоскопияловчи қурилмаларни яратишнинг назарий ва амалий масалалари билан, бу йўналишда хорижий олимлардан G.Teeg, E.Andres, F.Bailey, T.Brendt, Y.Paxl, D. Straetton, A.B.Сапожников, В.К.Аркадьев, А.И.Янус, Н.С.Акулов, Б.П. Кашкин, Н.В. Мирошин, А.Б. Никитин, Г.А.Бюллер, А.Е. Мудров, Г.А. Редькин, В.А. Мещеряков, А.А. Жуков ва бошқалар кўпгина таниқли олимлар ва мутахассислар сезиларли даражада ўз хиссаларини қўшганлар.

Шунингдек, белгиланган муаммони тадқиқ қилиш масалаларига республикамиз олимлари А.А.Халиков, Амиров С.Ф., Н.М.Арипов, Ж.Ф.Курбанов ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Бирок, номи келтирилган муаллифларнинг ишларида, ҳаракатланувчи (кўзғалувчан), стационар дефектоскопиялаш қурилмаларини қуришнинг янги услуб ва усулларини қўллашнинг барча имкониятлари тўлиқ ишлатилмай, хусусан, темир йўл транспортида рельс плетларда вужудга келиши мумкин бўлган дефектларни ўз вақтида аниқловчи маҳаллий электромагнит дефектоскопия қурилмасини қўллашга доир қатъий назария мавжуд эмас, юқори тезликда ҳаракатланадиган вагон-платформаларда микропроцессор қурилмалардан фойдаланиб рельс плетларни дефектоскопиялаш услублари, усуллари ва қурилмаларини Ўзбекистон темир йўл транспортида кенг қўлланиши мумкин бўлган оддий, маҳаллий ва универсал дефектоскопия қурилмасини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ёндашилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 97-сон «Рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришида рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш» (2017-2018), 120-сон «Рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш ва уни вагон-платформага ўрнатиш» (2018-2019) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электромагнит усуллар асосида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими учун дефектоскоп қурилмасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электромагнит майдон назарияси асосида махсус вагонда жойлашган, поезд ҳаракати давомида рельсли плетлардаги дефектларни аниқловчи рақамли дефектоскоп қурилмасини такомиллаштириш;

доимий магнит, ўзгармас ва импульсли электромагнит майдон назариялари асосида рельс плетларидаги дефектлар таҳлилий натижаларини ишлаб чиқиш;

рельс плетлари дефектоскопия қурилмасини ишлаши, рельсдаги дефектларни доимий, ўзгарувчан ва импульсли таъсирларда ўткинчи жараёнларининг математик ифодаларини ишлаб чиқиш;

рельс плетлардаги дефектларни аниқлаш учун рақамли дефектоскоп қурилмасининг асосий параметрларини ҳисоби ва лойиҳасини ишлаб чиқиш;

рельс плетларидаги дефектларни назорат ва таҳлил қилишда электромагнит майдон жараёнлар моделини яратиш;

рельс плетлар дефектоскопияси учун ток амплитудаларини тартибга солиш, частота ва импульслар давомийлигини танлаш учун бошқарув тизимини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темир йўл участка рельс плетлари ва рельс пайвандлаш корхонаси рельс плетлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети электромагнит майдони назарияси асосида рельс плетларни дефектоскопиялаш услублари ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарқоқ параметрли электромагнит майдон назарияси ва математик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рельс плетларидаги дефектларни масофадан импульсли электромагнит қолдиқ индукция таъсирида аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

рельс плетларидаги дефектларни аниқлаш учун электромагнит импульс сигналли узатувчи ва қабул қилувчи датчикга эга рақамли дефектоскоп қурилмаси ишлаб чиқилган;

рельс плетларидаги дефектларни аниқлаш ва назорат қилишда электромагнит майдон тўлқин чуқурлигини частота ўзгаришига боғлиқлиги асосида электромагнит майдон жараёнлар модели яратилган;

рельс плетлар дефектоскопияси учун ток амплитудаларини тартибга солиш, частота ва импульслар давомийлигини танлаш имконини берувчи РС 16F628-04/P микроконтроллер асосида бошқарув тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дефектоскопиялашни назарий услублари ва амалий усуллари асосида темир йўл транспорти рельс плетлари, туташмалари ва стрелка ўтказгичларидаги дефектлар ҳолатини аниқлаш имконияти ишлаб чиқилган;

рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришида рельс плетларни пайвандлашда пайдо бўлувчи дефектларни аниқлаш имконини берувчи стационар дефектоскопиялаш қурилмаси такомиллаштирилган;

рельс плетларни дефектоскопиялаш сифатини яхшилаш мақсадида, бошқарув тизими қурилмаси ток амплитудалари, импульслар давомийлиги ва частотасини ростлаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

мобил ҳаракатланувчи дефектоскопияловчи қурилма локомотивнинг белгиланган тезликдаги ҳаракатида рельс плетлар, туташма ва стрелка ўтказгичларини сифатли дефектоскопиялаш имконини берувчи вагон-платформа такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Электромагнит майдон назарияси асосида яратилган илмий ишланмалар ва тажриба натижаларининг ўзаро мувофиқлиги ва мослигига асосланиб, темир йўл транспорти рельс плетларида вужудга келувчи дефектларни электромагнит

усуллари ёрдамида аниқлаш учун назарий асосланган концепциялар қўлланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, темир йўл рельс плетларидаги дефектларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш шароитида рақамли дефектоскопия қурилмасини ишлаб чиқилганлиги ва бу ҳаракат таркибини йўлдан чиқиб кетиш ҳолатида дефектларни олдиндан мониторинг қилиш, шунингдек қўлланилган схема ва алгоритмларнинг минималлашган хоссалари, математик асосда техник параметрларни ифодалаш, уч томонлама кўринишини моделлаштириш, синтез қилиш ва шакллантириш билан билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рельс плетларини мониторинг қилиш ва бошқаришнинг инструментал воситаларини ишлаб чиқилганлиги ва у турли вазиятларини башорат қилган ҳолда таъмирлаш-технологик участкаларнинг ишини режалаштириш вазифаларида мақбул ечимларни танлаш, темир йўл рельс плетларини дефектларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларини автоматлаштиришпоездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши электромагнит усуллари асосида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими учун дефектоскоп қурилмаси бўйича олинган натижалар асосида:

рельс пайвандлашда рельс плетларни линия дефектоскопиялаш қурилмаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги «РСР-14» ишлаб чиқариш Унитар корхонасида ишлатиш ва модернизациялаш амалиётига жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 9 декабрдаги №01/4003-20-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида рельс плетларни дефектоскопиялаш қурилмаси пайванд чокларини шикастланишдан ҳимоя қилиш учун, асосий қисм сифатида пайвандлашдан олдин ва ундан кейин рельс плетларни дефектоскопиялаш имконини берган;

рельс плетлар, туташмалар ва стрелка ўтказгичлардаги дефектларни аниқлаш учун ҳаракатланувчи вагон-платформадаги дефектоскопия қурилмаси жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 9 декабрдаги №01/4003-20-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида станцияларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш имконияти, рельс плетлар, туташмалар, стрелка ўтказгичларда пайдо бўлувчи дефектларни аниқлаш имконини оширишга эришилган;

рельс плетлар дефектоскопияси учун ток амплитудаларини тартибга солиш, частота ва импульслар давомийлигини танлаш учун PIC 16F628-04/P микроконтроллер асосида бошқарув тизими электр схемаси тузилган ва Proteus дастурий таъминотида моделлаштирилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 9 декабрдаги №01/4003-20-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларига кўра рельс плетларини

дефектоскопиялаш сифатини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долбзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад вавазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Электромагнит дефектоскопия соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмаларнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи бобида рельс плетларида дефектларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларнинг ривожланиш ҳолатлари, дефектлар ва шикастланиш синфланиши, дефектоскопиялашда магнит катталикларни ўлчаш усуллари таҳлили ўтказилди ва замонавий ҳолати кўриб чиқилди. Таҳлил асосида рельс плетларида дефектларни аниқлаш, дефектоскопиялашнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, импортдан мустақил янги электромагнит дефектоскопия усуллари кўллаш натижасида ажратиладиган маблағлар ҳажмини қисқартириш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилди.

Ўтказилган тадқиқотлар ҳаракатланувчи (кўзгалувчан), стационар дефектоскопиялаш қурилмаларини қуришнинг янги услуб ва усуллари кўллашнинг барча имкониятлари тўлиқ ишлатилмай, хусусан, темир йўл транспортида рельс плетларда вужудга келиши мумкин бўлган дефектларни ўз вақтида аниқловчи маҳаллий электромагнит дефектоскопия қурилмасини кўллашга доир қатъий назария мавжуд эмаслиги, юқори тезликда ҳаракатланадиган вагон-платформаларда микропроцессор қурилмалардан фойдаланиб рельс плетларни

дефектоскопиялаш услублари, усуллари ва қурилмаларини Ўзбекистон темир йўл транспортида кенг қўлланиши мумкин бўлган оддий, маҳаллий ва универсал дефектоскопия қурилмасини яратиш ва уни тадбиқ этиш муаммоси сўнгги пайтда алоҳида касб этганлигини кўрсатди.

Рельс плетларининг дефект ва шикастланишларининг синфланиши жадвалида дефектларнинг ҳаммаси бўлиб 38 таси келтирилган ва улар 9та гуруҳда ўз ифодасини топган.

Биринчи бобининг охирида ўтказилган таҳлил бўйича асосий хулосалар келтирилган бўлиб, бу ерда темир йўл транспорти рельс плетларида дефектларнинг пайдо бўлиши, рельснинг каллаги ва бўйинчасида вертикал қатламланиш шу жумладан, кўндаланг синиши, уларни тайёрлашда шлак ёки бошқа бегона металлларнинг қўшилиб қолиши натижасида жуда хавфли дефектларни пайдо бўлиши ва ривожланиши, рельс плетларини ишлатиш, сирпаниш сиртида металлларни қатламланиши ва бўялиши, турли фаслларда рельс плетларида вужудга келадиган дефектлар сабаблари ўрганилган. Темир йўл транспорти рельс плетлари дефектларининг синфланиши, уларни ишлатишда бардошлилик даражаси таҳлили ва чидамлигини статистик ҳисобга олиш, рақамли кодли белгиларга эгаллиги, НТД-3-14 йўриқномасидаги келтирилган қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда ишлаб чиқаришга мос ҳолда жадвал кўринишида гуруҳларга ажратилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Темир йўл транспортида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими учун рельс плетларини электромагнит усуллари асосида ишлайдиган дефектоскоп қурилмасини ишлаб чиқиш зарурияти ва муаммоларни тубдан ечишга имкон бериши исботланган.

Диссертациянинг «Рельс плетларини дефектоскопиялаш тизимларида электромагнит жараёнларни тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобда рельс плетларини техник магнитлаш жараёни ҳамда рельс плетларида магнетизм параметрлари, рельс плетлариларини дефектоскопиялаш, ўзгармас, ўзгарувчан ва импульсли электромагнит майдонларда рельс плетлариларини дефектоскопиялашда магнитлаш хусусиятларидаги мураккаб кўринишлари магнитланганлик векторлари магнит майдон таъсирида бурилиш жараёнлари магнит сингдирувчанликка боғлиқлиги физик ифодалар ёрдамида аниқланган.

Магнитланишда магнитланганлик векторлари магнит майдон таъсирида бурилади. Магнитланганлик векторининг бурилишида ҳосил бўладиган энергия (бир ўқли анизотропия ҳолати учун) қуйидагига тенг бўлади, яъни:

$$E = -K_u \cos^2(\theta - \theta_0) - JH \cos\theta, \quad (1)$$

бу ерда: K_u -бир ўқли анизотропия ўзгармас коэффициент.

Магнитланганлик векторларининг турғун йўналиши минимал энергия шартидан келиб чиқади, яъни:

$$\frac{\partial E}{\partial \theta} = K_u \sin 2((\theta - \theta_0) + JH \sin \theta) = 0. \quad (2)$$


$\cos \theta = x$; $p = JH/K_u$ белгилашлар киритиб, қуйидагига эга бўламиз, яъни:

$$4x^2 + 4p \cos 2\theta_0 x^3 - (4 - p^2)x^2 - 4p \cos 2\theta_0 x + \sin^2 2\theta_0 - p^2 = 0 \quad (3)$$

Магнитланганлик вектори учун

$$J = J_m \cos \theta = J_m x. \quad (4)$$

ифодани ёзамиз.



1- расм. Магнитланганликни магнит майдон кучланганлигига боғлиқлик чизмаси

Магнитланганликни магнит майдон кучланганлигига боғлиқлик чизмаси 1- расмда тасвирланган. Ушбурасмдан кўриниб турибдики, $\theta_0 = 90^\circ$ да магнитланганлик эгри чизиғи тўғри чизиклига айланиб қолар экан. Бу ҳолат $\theta = \pi/2$ да (2) ифодадан ҳам ўз тасдиғини топади. Яъни:

$$\cos \theta = \frac{J_m H}{2K_u}. \quad (5)$$

(5) ифодани (4) ифодага қўйсақ, $J = \frac{J_m^2}{2K_u} H$ эканлиги келиб чиқади. (6)

(6) ифодага мувофиқ, магнитланиш эгри чизиғи тўғри чизикқа айланади. Майдон кучланганлиги $H = 2K_u/J_m$ қийматли магнит майдон таъсирида тўйинишга эришилади. Кичик θ_0 бурчакларда тўйинишга кучли магнит майдонларда эришилади. Кучсиз майдонлар учун $\theta = \theta_0$ бўлиб, анизотропия энергияси $2K_u \Delta \theta = J_m H \sin \theta_0$ га тенг бўлади, натижада

$$\Delta \theta = \frac{J_m H}{2K_u} \sin \theta_0. \text{ ифодани оламиз.} \quad (7)$$

Рельс плетларини дефектоскопияловчи детал ва қурилмалар ўзгармас магнит, ўзгармас, ўзгарувчан ва импульсли тоқларда магнитланиши мумкин. Ушбу йўлларнинг ҳар биридан фойдалиш ўзига хос ижобий томонлари бор. Ўзгармас тоқдан фойдаланилганда детал ёки маҳсулотларнинг ички кесими бўйлаб магнит оқимининг текис тақсимланиши аниқланган.

Қолдиқ магнитланганлик асосидаги дефектоскопия усули қолган барча усуллардан афзал туради.

Импульсли магнитлаш учун энг тўғри келадиган эгри чизик тўғри бурчакли гистерезис халқаси ҳисобланади.

Қолдиқ индукцияни амплитуда қийматга нисбати тўғри бурчаклилик коэффициенти дейилиб, у қуйидаги ифодаланади, яъни:

$$K_{пр} = \frac{B_r}{B_m}. \quad (8)$$

$\frac{4}{6}H_c$ да индукцияни $\frac{4}{3}H_c$ даги индукцияга нисбатини белгилайдиган коэффицент квадратлилик коэффициенти дейилади ва қуйидагича ифодаланади, яъни: $K_{кв} = \frac{B_{(-\frac{4}{6}H_c)}}{B_{(\frac{4}{3}H_c)}}.$ (9)

Индуктив ғалтак орқали йўналтирилган импульс тўғри бурчак шаклда бўлиб, унинг T даври T_0 . қайта магнитланиш давридан катта бўлади. Қайта магнитланиш самарадорлиги магнит майдон кучланганлиги билан белгиланади, яъни: $H = \frac{iw}{l_{cp}},$ (10)

Бу ерда: l_{cp} – магнит ўтказгичнинг ўртача узунлиги w – ғалтакдаги ўрамлар сони. Ўзакнинг қайта магнитланиш вақти тахминан

$$T_0 = \frac{a}{H-H_k}, \text{ га тенг бўлади.} \quad (11)$$

Бу ерда: $a = 0,6 \div 1 \text{ А} \cdot \frac{\text{сек}}{\text{м}}$ материал русуми ва температура диапазонини белгилайди; $H_k = 50 \div \frac{200\text{А}}{\text{м}}$ материал ва қайта магнитланиш тезлигига боғлиқ.

Ўзак қайта магнитлашда энергиянинг қуйидаги қисмини ютади, яъни:

$$W_{п} = \int_0^{T_0} iwS \frac{dB}{dt} dt = iwS(B_r + B_m) = H_m(B_r + B_m)l_{cp}S. \quad (12)$$

Энергиянинг бир қисми ўзакнинг қизишига сарфланади, иккинчи қисми эса потенциал энергияни оширишга сарфланади. T_0 даврли импульс таъсири тугагандан сўнг магнит майдон индукцияси B_m дан B_r , гача камаяди, яъни ўзак магнитсизланади. Қайта магнитланиш натижасида ғалтакга қайтадиган энергия қуйидагига тенг бўлади, яъни:

$$W_0 = l_{cp}S \int_{B_r}^{B_m} H dB. \quad (13)$$

Гистерезис халқасидаги $B_m - B_r$ индукциялар орасидаги участкани тўғри чизикли деб ҳисобланса, у холда қуйидагини оламиз, яъни:

$$W_0 = l_{cp}S \int_{B_r}^{B_m} B_m \frac{B-B_r}{B_m-B_r} dB = \frac{H_m}{2} (B_m - B_r)l_{cp}S. \quad (14)$$

Маҳсулот ва рельс плетлариларни B_r максимал қолдиқ индукцияли энг кўп магнитлашга тўғри тўрт бурчак гистерезисда эришилар экан. Бунда импульсли магнитлашда динамик характеристикалар материаллар хусусияти, ўлчамлари, импульс шакли ва частотасига боғлиқ бўлади.

Импульсли магнитлашда импульсли магнит сингдирувчанлик, импульсли магнитлаш эгри чизиғи, қайта магнитлашдаги солиштирма исрофлар, қайта магнитлаш вақти, қайта магнитлаш коэффиценти ва қайта магнитлаш тезликлари асосий динамик характеристикалар ҳисобланади.


Импульсли магнит сингдирувчанлик деганда, индукциянинг энг катта орттирмасини магнитловчи майдоннинг энг катта кучланганлиги орттирмасига нисбати билан ўлчанадиган катталик тушунилади, яъни:

$$\mu_{\text{имп}} = \frac{\Delta B_{\text{max}}}{\Delta H_{\text{max}}} = F_1(\Delta H_{\text{max}}). \quad (15)$$

Магнит индукциянинг максимал орттирмасининг майдон кучланганлигининг энг катта орттирмасига боғлиқлиги импульсли магнитлаш эгри чизиғи деб юритилиб, у қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\Delta B_{\text{max}} = F_2(\Delta H_{\text{max}}). \quad (16)$$

2(а)-расмда қолдиқ магнит индукциянинг ўзгармас ва ўзгарувчан магнитловчи майдонлар $B_r = F(H_{\text{=}} + H_{\sim})$, $H_{\sim} = \text{const}$. йиғинди кучланганлигига таъсирида ўзгариш графиги тасвирланган. Ўзгарувчан майдонда: 1 – $H_{\sim} = 0\text{А/см}$; 2 – 120А/см ; 3 – 200А/см ; 4 – 250А/см ; 5 – 300А/см ; 6 – 350А/см .



2- расм. Ўзгарувчан магнитловчи майдонли бир жинсли электромагнит майдон билан қолдиқ индукциянинг боғлиқлиги

2(б)-расмда кучланганликларнинг $H_{\text{=}} = \text{const}$; $H_{\sim} = \text{const}$. қийматларида $B_r = F(t)$ вақт бўйича ўзгарувчан қолдиқ индукциянинг ўзгариш графиги тасвирланган.

Рельс плетларини дефектоскопияловчи детал ва қурилмалар ўзгармас магнит, ўзгармас, ўзгарувчан ва импульсли тоқларда магнитланиши ва магнитлаш усуллари (циркуляр, бўйлама ва комбинацияланган), депо ва вагонларни таъмирлаш заводларида ғилдирак жуфтлиги ўқи ва букса подшипникларни дефектоскопия қилишда ҳам магнитлаш қўлланилиши, ўзгармас, ўзгарувчан ва импульсли тоқларда магнитлашни таққослашда импульсли магнитлашни афзаллиги, энергия ва ресурс тежамлилиги магнит ўтказгичнинг элементар участкасини ҳисоблаш формулалари

ёрдамида асосланган, импульсли магнитлашда динамик характеристикалар материаллар хусусияти, ўлчамлари, импульс шакли ва частотасига боғлиқлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Рельс плетларининг дефектларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда электромагнит дефектоскоп сигналлари орқали рельс чуқурлигини аниқлаш учун, рельс плетларига юборилиши керак бўлган электромагнит тўлқинларнинг рельс бўшлиғига кириб бориш чуқурлигининг частотага боғлиқлиги ҳисоблаб чиқилган.

Рельс плетларига ўзгарувчан дефектоскопияловчи майдоннинг кириб бориш чуқурлиги фақат майдоннинг частотаси билан белгиланади.

Плетларидаги электромагнит майдон чуқурлигини аниқлаш учун қуйидаги параметрларни қабул қиламиз:

- рельс материали-пўлат М74 ёки М76(турли хил модификацияли);
- рельс плетлари гуруҳи- I ёки II;
- рельснинг магнит ўтказувчанлиги (рельс турига боғлиқ)-220;
- рельснинг электр ўтказувчанлиги- $7,6 \cdot 10^6$ см/м;

Электромагнит майдон тўлқинини рельсдаги чуқурлигини қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади. $e^{-kd} = e^{-1}$. (17)

$$\text{Бундан келиб чиқадики, } kd=1 \text{ ёки } d = \frac{1}{k}. \quad (18)$$

Бу ерда d -муҳит учун электромагнит майдон таъсир чуқурлиги, м;
 k -электромагнит майдон тескари чуқурлик катталиги 1/м.

Электромагнит тўлқин чуқурлиги u тарқалаётган муҳит параметрларига γ ва μ_a бундан ташқари циклик частота ω боғлиқ.

Бу ерда γ – материалнинг электр ўтказувчанлиги(ом*м)⁻¹;

$\mu_a = \mu_r \cdot \mu_0$ -материалнинг абсолют магнит ўтказувчанлиги, гн/м;

μ_r - нисбий магнит ўтказувчанлик; $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7}$ вакуумда магнит тказувчанлик, гн/м; $\pi = 3,14$ –ўзгармас катталиқ; ω -циклик частота, с⁻¹.

Электромагнит майдон циклик частотаси қуйидаги формула ёрдамида топилади. $\omega = 2\pi f = 2 \cdot 3,14 \cdot 50 = 314$ с⁻¹. (19)

Юқоридаги ифода орқали электромагнит майдон тескари чуқурлик ифодасини топамиз:

$$k = \sqrt{\frac{\omega \gamma \mu_a}{2}} = \sqrt{\frac{220 \cdot 2\pi f \cdot 4\pi \cdot 10^{-7}}{2}} = 2\pi \cdot \sqrt{220 f \gamma \cdot 10^{-7}} \quad (20)$$

ифодани содда кўринишга келтириб оламиз ва бу орқали турли частота диапазоли учун k нинг қийматлари ҳисобланади. Масалан 50Гц учун:

$$k = 2\pi \cdot \sqrt{50 \cdot 7,6 \cdot 10^6 \cdot 220 \cdot 10^{-7}} = 6,28 \cdot \sqrt{5 \cdot 76 \cdot 22} = 574,19 \text{ м}^{-1}.$$

Ўз навбатида 50Гц учун рельсдаги электромагнит майдон тўлқин

чуқурлиги $d = \frac{1}{k} = \frac{1}{574,19} = 0,00174$ м эканлиги аниқланди. (21)

(21)- ифодани тахлили шуни кўрсатдики, 1,74мм чуқурликда магнит майдон кучланганлиги ва электр майдон кучланганлиги амплитудаси 2,71 марта камаяди.

Рельсдаги электромагнит майдон тўлқин чуқурлигини частота ўзгаришига боғлиқлик жадвалини тузамиз.

Электромагнит майдон тўлқинининг рельсдаги чуқурлигини турли частоталарда ўзгариш жадвали

1 - жадвал

f, Гц	50,0	25,0	20,0	15,0	10,0	5,0	1,0
d, мм	1,74	2,46	2,75	3,18	3,89	5,5	12,32

Рельсдаги электромагнит майдон тўлқин узунлиги λ ни тебранишлар фазаси 2λ да ўзгарганда аниқлаймиз. Тўлқин узунлиги ушбу формула ёрдамида топилади. $\lambda k = 2\pi$ (22)

бундан частота 50Гца $\lambda = \frac{2\pi}{k} = \frac{2\pi}{574,19} = 0,01$ бўлади. (23)

Унда частота 50Гца фаза тезлиги қуйидагича бўлади.

$$v = \frac{\omega}{k} = \frac{314}{574,19} = 0,546 \text{ м/с} \quad (24)$$

Олинган натижалар шуни кўрсатдики 50Гц частота диапазонидаги электромагнит майдон тўлқини рельс плетида 1,74мм чуқурликкача бора олади. Бу эса рельс ҳолатини тўлқинга дефектоскопия қилиш имконини бермайди. Шунинг учун амалда электромагнит майдон дефектоскоп қурилмасидан рельс плетларидаги дефектларни аниқлаш учун кенг фойдаланилмаган. Аммо ўтказилган тадқиқотлар натижасида, электромагнит тўлқин частота диапазонини камайтириш орқали рельс ҳолатини тўлиқ дефектоскопия қилиш имконига эга бўлди. Рельс плетларида электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш энергияси, Пойтинг вектори билан характерланади ва унинг ўртача қиймати қуйидагига тенг бўлади, яъни:

$$P_{cp} = \frac{H_0^2 \cdot \sqrt{2}}{4} \sqrt{\frac{\omega \mu}{\gamma}} e^{-2z} \sqrt{\frac{\omega \mu \gamma}{2}}. \quad (25)$$

(25) ифода бўйича тўлқин узунлиги λ дага тенг рельс плетлари сиртидан унинг ичига кириб боришда рельс плетлари ютадиган энергиянинг фақат 0,2% сарфланиши аниқланган.


Рельс плетларини дефектоскопиялаш қурилмаларининг ғалтакида содир бўладиган ўткинчи жараёнларни ҳисобланган.

Ҳисоблаш учун тўғри тўртбурчак импульснинг қуйидаги реал параметрларидан фойдаланилди, яъни: частота $\nu = 5\text{Гц}$; даври $T = 0,2\text{с}$; импульс давомийлиги $\tau_{и} = 30\text{мс}$; кучланиш $U_m = 230\text{В}$.

Коррозияли ва коррозиясиз рельс плетларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган чиқиш сигналларини графиги қуйидаги 8-расмда кўрсатилган.

Тадқиқотлар натижасида коррозияга учраган рельс плетлари электромагнит дефектоскоп дефектоскопиялашидан ўтганда чиқиш сигнали амплитудаси 20%га камайишини кўрсатди, бу эса дефектоскопия хатолигини оширади. Агарда рельсда турли хил ёриқлар мавжуд бўлса дефектоскопия чиқиш сигнали 3 баробаргача камайиши аниқланди.


$U, \text{мВ}$



3-расм. Электромагнит дефектоскоп чиқиш сигналлари ҳолати

Ҳисоблаш ва амалий текширувлар шуни кўрсатдики коррозияга учраган дефектли рельс плетларида магнит майдон кучланганлиги 60дан 65гача А/см ни ташкил қилади, ушбу ҳолатда электромагнит дефектоскоп чиқиш сигналлари олиш учун мавжуд коррозия таъсирини зарарсизлантириш зарурати туғилади.

$U, \text{В}$



4- расм. Электромагнит дефектоскоп рақамли филтрдан сўнг чиқиш сигналлари

Электромагнит дефектоскоп сигналларини таҳлили ва шарҳлаш учун рельс дефектларини аниқлашда назарий моделлардан фойдаланиш кам ҳаражатли оптимал усул ҳисобланади.

Электромагнит дефектоскопдан фойдаланилганда рельс плетларида пайдо бўлиши мумкин бўлган, ҳар бир дефектни белгиларига кўра синфлаш лозим. Ҳозирда темир йўл транспортида 99 хил дефектлар синфланган бўлиб, уларни хусусиятига кўра дефектли рельс плетлари таъмирланади ёки бутунлай алмаштирилади.


Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, электромагнит дефектоскоп чиқиш сигналларини рақамли филтрлашдан ўтказиш орқали сигналларда пайдо бўладиган тасодифий шовқинлар ва ҳалақитлар тўлиқ бартараф этилади.

Темир йўл транспортида рельс плетларида коррозия таъсир таҳлиллари, металлларда пайдо бўладиган коррозия электромагнит хусусиятга эга эканлиги, коррозия таъсири туфайли мавжуд дефект чуқурлигини ўлчаш аниқлигини камайтириши, электромагнит дефектоскоп чиқиш сигналларини рақамли филтрлашдан ўтказиш орқали дефектоскопия тизими идентификацияланган.

Диссертациянинг «Темир йўл транспортида электромагнит дефектоскоп қурилмасини ишлатиш натижалари» деб номланган тўртинчи бобда электромагнит дефектоскопни қурилмасини яратиш ва уни иш унумдорлигини ошириш масалалари кўрилган.

Электромагнит дефектоскоп ишлашида пайдо бўладиган асосий ҳалақитлар назорат қилинаётган рельс плетларини бир жинсли эмаслиги, саноат ҳалақитлари, вибрация ва зарблар натижасида вужудга келади.

Электромагнит дефектоскоп ҳалақитга бардошлилигини ошириш асосий масалалардан бири бўлиб, дефектоскоп блок-схемаси қуйидаги 5-расмда кўрсатилган.



5 - расм. “ЙЎҚ” мантикий элементли дефектоскоп блок -схемаси
 Г-генератор; Д1; Д2-дефектоскоп канали; ЎК1; ЎК2-ўлчов канали;
 ТИ1; ТИ2-тўғри тўртбурчакли импульслар; Ш1; Ш2- шакллантиргичлар;
 СР-регистрация схемаси


Назарий ва тажрибавий дефектоскопия шуни кўрсатдики, яратилган икки каналли тизим оддий бир каналли тизимга нисбатан ҳалақитга бардошлилиги анча юқори экан. Ушбу тизимни асосий камчилиги унинг ҳалақитларни рўйхатга олаётганда вақт бўйича маълум сурилишларни вужудга келишидир. Сигналлар сурилиши натижасида улар орасидаги масофа нотўғри ҳисобланиши мумкин.

Ушбу камчиликни бартараф этиш учун қуйидаги 6-расмдаги блок схемадан фойдаланилди.

Ушбу дефектоскоп олдингисидан каналларни ўлчаш тезлиги ва қўшимча мултивибраторлар билан фарқланади. Бунда биринчи канал чиқишидаги дефектли сигнални кутувчи мултивибратор КМ₁ қабул қилади ва у тўғри тўртбурчакли импульслар $t_1=t_3$ вақт оралигида ишлаб чиқади.


Кутувчи мултивибратор КМ₂ эса юқоридаги импульслар ортида туриб T_3 вақтида кечикиб келаётган импульсларни мослаштириш вазифасини бажаради. Бу импульс И ячейкасида рўйхатга олинади.

Бошқариш блокада реал вақт режимда элементлари ишини таъминлаш имконини берадиган «ATMEGA8» русумли микроконтроллердан фойдаланилган.



6- расм. Рельс назоратини тезлик бўйича ростлагичли дефектоскоп блок схемаси

ТД-тезлик датчиги; Д1; Д2- дефектоскоп канали; ТЎС-тезлик ўлчов схемаси; ЎК1; ЎК2-ўлчов канали; КМ1; КМ2; КМ3-кутувчи мултивибратор; СР-сигнал регистратори.




7- расм. Рельс плетларини дефектоскопиялаш қурилмасида бўладиган технологик жараёнларни назорат қилиш блок – схемаси

Электромагнит майдон базасида рельс плетларини дефектоскопиялаш қурилмасида бўладиган технологик жараёнларни назорат қилиш тизимининг схемаси 7- расмда тасвирланган.

Электромагнит жараёнларни моделлаштиришда магнитли, электр ва иссиқлик, механик деформация ва кучланиш каби икки ўлчовли фазода электромагнит майдон масалаларини ечиш ҳамда ҳар қандай ихтиёрий шаклдаги зоналарда Лаплас ва Пуассон тенгламалари билан ифодаланадиган майдонларни ҳисоблаш имконини берадиган «ELCUT» ва «Maxwell» дастурларидан фойдаланилди.

Ишлаб чиқилган дефектоскоп қурилмаси рельс плетларини дефектоскопиялаш учун РСР-14 линиясидаги пайвандлаш ишларидан кейин пайвандланган рельс плетларини дефектлардан текшириш учун ўрнатилди.

Қурилмани асосий блокинни бошқарув тизими ва частота ўзгартиргичи ташкил этади (8- расм).



8- Расм. Рельс плетларига 30мм дан 5мм ораликларда ўрнатилган электромагнитли ғалтаклар синови

Рельс плетларига 30мм, 15мм ва 5мм ораликларда ўрнатилган электромагнитли ғалтаклар синови текшириш вақтида жўнатувчи ғалтакнинг рельс плетига электромагнит майдон таъсири тесламетр ёрдамида ўлчанганда индукцияси мос равишда 5мТл, 10 мТл ни ва 20мТл ни ташкил этди. Бунда ток қийматлари мос равишда 1А, 0,5А ва 0,1А ни кўрсатди.

Рельс плетларига 5мм ораликда ўрнатилган электромагнитли ғалтаклар синови текшириш вақтида жўнатувчи ғалтакнинг рельс плетига электромагнит майдон таъсири тесламетр ёрдамида ўлчанганда индукцияси 20мТл ни ва 0,1А токни кўрсатди. Ушбу танланган ғалтак билан рельс плетлари орасидаги масофа рельс плетларини тўлиқ дефектоскопиялаш имконини берди, ҳамда оралик масофа рельс плетларини дефектоскопиялашнинг меъёрий масофаси сифатида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатди. Тақомиллаштирилган темир йўл транспорти рельс плетларини пайвандлашда дефектоскопиялаш имконини

берувчи қурилмадаги сигналларни доимий назорат қилишда, махсус DSO138 номли замонавий блок қўлланилган.

ХУЛОСА

“Электромагнит усуллари асосида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими учун дефектоскоп қурилмаси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Темир йўл транспорти рельс плетлари дефектларининг синфланиши, уларни ишлатишда бардошлилик даражаси таҳлили ва чидамлигини статистик ҳисобга олиш, рақамли кодли белгиларга эгаллиги, НТД-3-14 йўриқномасидаги келтирилган қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда ишлаб чиқаришга мос ҳолда жадвал кўринишида гуруҳларга ажратилган ҳолда ишлаб чиқилган.

2. Темир йўл транспортида поездлар ҳаракат хавфсизлик тизими учун рельс плетларини электромагнит усуллари асосида ишлайдиган дефектоскоп қурилмаси яратилди, унда ўзгармас, ўзгарувчан ва импульсли кучланишларда галтакдаги ўткинчи жараёнлар ҳисоблаб чиқилди. Электромагнит дефектоскоп сигналлари орқали рельс чуқурлигини аниқлаш учун, рельс плетларига юборилиши керак бўлган электромагнит тўлқинларнинг рельс бўшлигига кириб бориш чуқурлигининг частотага боғлиқлиги ҳисоблаб аниқланган.

3. Рельс плетларини дефектоскопиялаш қурилмаларининг галтакида содир бўладиган ўткинчи жараёнларда тўғри тўртбурчак, учбурчак, ярим даврли синусоида кўринишидаги даврий ўзгарувчан импульсларни Фурье қаторига ёйиш, дефектоскопия қурилмасини ўзакли галтагидаги кучланишнинг турли гармоникасига, уланишда содир бўладиган ўткинчи жараёнлар ҳисобланган ва гармоник ташкил этувчилари аниқланган.

4. Рельс плетларини дефектоскопиялаш сифати ва диагностикасида рельс плетлари ва уланишларни пайвандлаш бўйича дефектоскопияловчи чидамли қурилмаларнинг бўлиши, рельс плетларини турли усулда дефектоскопиялаш сифати таҳлил қилинган.

5. Темир йўл транспортида рельс плетларида коррозия таъсир таҳлиллари, металлларда пайдо бўладиган коррозия электромагнит хусусиятга эга эканлиги, коррозия таъсири туфайли мавжуд дефект чуқурлигини ўлчаш аниқлигини камайтириши, электромагнит дефектоскоп чиқиш сигналларини рақамли филтрлашдан ўтказиш орқали дефектоскопия тизими мувофиқлаштирилган.

6. Темир йўл транспорти рельс плетларини пайвандлашда дефектоскопиялаш қурилмалари натижаларини амалга ошириш учун рельс плетларини «Рельс пайвандлаш ишлаб чиқариш» РСР-14 корхонасида рельс пайвандлаш ишлари алгоритми асосида, меъёрий кўрсаткичлар танланган. «Сергили-Кучлук» ва «Кучлук-Тўйтепа» темир йўл станцияларида ўтказилган, соатига 5 кмдан 30 кмгача тезликдаги

дефектоскоп вагон синови натижасида станциялар орасидаги рельс плетларидаги мавжуд дефектлар аниқланган.

7. Рельс – пайвандлаш ишлаб чиқариш корхонасида рельс плетлардаги дефектларни аниқловчи электромагнит усуллари асосида бошқарув тизимли дефектоскоп қурилмаси такомиллаштирилган. Рельс плетлардаги дефектларни аниқлашда ҳаракатланувчи ва стационар қурилмалари ишлаб чиқаришга тадбиғи натижасида йиллик қутилаётган иқтисодий самарадорлик 123,4млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ОРТИКОВ МИРОНШОХ СОДИКОВИЧ

**УСТРОЙСТВО ДЕФЕКТОСКОПИИ ДЛЯ СИСТЕМ
ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ПОЕЗДОВ НА
ОСНОВЕ ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫХ МЕТОДОВ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/T1212.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Халиков Абдулхак Абдулхалирович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сиддиков Илхомжон Хасимович доктор технических наук, профессор Хаджимухаметова Матлуба Адилловна кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация	Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «12» 06 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.T.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирбулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном транспортном университете (регистрационный номер - 17). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Темирбулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66).

Автореферат диссертации разослан «31» 05 2021 года
(протокол рассылки № «18» от «31» 05 2021 года).



А.Э. Адилходжаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
член научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

В.Н. Ибрагимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из способов обеспечения безопасности высокоскоростного подвижного состава в глобальной сети мирового железнодорожного транспорта является производство дефектоскопических приборов для контроля железнодорожных рельсов, их постоянный осмотр и своевременное обнаружение существующих дефектов, применение новых методов. Внедрение, мобильных дефектоскопов, которые качественно обнаруживают дефекты железнодорожных рельсов во всем мире, требуют их усовершенствования. В связи с этим для обеспечения безопасности движения важно использовать качественное и энергосберегающее оборудование и устройства, обнаруживающие дефекты железнодорожных путей.

Ведутся научно-исследовательские работы по совершенствованию технологии дефектоскопии рельсовых плетей для обеспечения безопасности железнодорожного транспорта в мире. В связи с этим представлены результаты анализа дефектов в рельсовых плетях на основе теорий постоянного магнитного, постоянного и импульсного электромагнитных полей, математических выражений переходных процессов при импульсных воздействиях, расчета основных параметров цифрового дефектоскопического устройства для обнаружения дефектов в рельсовых плетях и при использовании проекта, однако особое внимание уделяется обоснованию параметров и режимов работы устройства дефектоскопа системы безопасности движения поездов на основе электромагнитных методов.

В стране принимаются активные меры по развитию железнодорожной инфраструктуры, увеличению количества высокоскоростных железнодорожных линий, а также по электрификации существующих линий, устранению дефектов железнодорожных путей и достигнуты определенные результаты. Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...активная инвестиционная политика, направленная на решение проектов транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры, ...технико-технологическая модернизация производства, ...широкое

